

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

ФАЙЗИЕВ ДИЁР ДАВРОНОВИЧ

**ГЛИЦИРРИЗИН ВА УНИНГ ҲОСИЛАЛАРИНИНГ ҲУЖАЙРА ҲАЖМ
БОШҚАРИЛИШИ ВА АНИОН ТРАНСПОРТИГА ТАЪСИРИНИ
ЎРГАНИШ**

03.00.02 – Биофизика ва радиобиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)****Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)****Файзиев Диёр Давронович**

Глицирризин ва унинг ҳосилаларининг хужайра ҳажм бошқарилиши ва анион
транспортига таъсирини ўрганиш.....

3

Файзиев Диёр Давронович

Исследование влияния глицирризина и его производных на регуляцию клеточного объёма
и анионный транспорт.....

21

Fayziev Diyor Davronovich

Study of the effects of glycyrrhizin and its derivatives on the cell volume regulation and anionic
transport.....

39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОФИЗИКА ВА
БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БИОФИЗИКА ВА БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

ФАЙЗИЕВ ДИЁР ДАВРОНОВИЧ

**ГЛИЦИРРИЗИН ВА УНИНГ ҲОСИЛАЛАРИНИНГ ҲУЖАЙРА ҲАЖМ
БОШҚАРИЛИШИ ВА АНИОН ТРАНСПОРТИГА ТАЪСИРИНИ
ЎРГАНИШ**

03.00.02 – Биофизика ва радиобиология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/B297 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Биофизика ва биокимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ibb-nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Курбанназарова Раъноҳон Шараповна
биология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хушматов Шунқор Садуллаевич
биология фанлари доктори

Камбурова Венера Сейтумеровна
биология фанлари номзоди

Етақчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети Биофизика ва биокимё институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.B.01.13 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «03» 02 соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96).

Диссертация билан Биофизика ва биокимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№23 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 174-уй. Тел.: (99871) 246-68-96, e-mail: ibb-nuu@mail.ru; asrarov54@mail.ru.

Диссертация автореферати 2021 йил «15» 01 куни тарқатилди.
(2021 йил «15» 01 даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



Сабилов Равшан Заирович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Позилов Маъмуржон Комилжонович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д.

Ахмеджанов Искандар Гулямович
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунё миқёсида олиб борилаётган кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳажмга боғлиқ анион каналлари бир қанча физиологик жараёнлар (хужайра ҳажм бошқарилиши, пролиферация, миграция, инвазия, апоптоз) билан бирга патофизиологик жараёнлар (канцерогенез ва саратон хужайраларининг цисплатинга қаршилиги, кардиомиоцитлар ва гипокамп нейронларнинг ишемик-реперфузияси натижасидаги ўлими, лактоцидоз шароитида глиал некроз, эксайтотоксик нейронлар ўлими) да қатнашади. Бундан ташқари, ҳажмга боғлиқ анион каналлари ишемик шароитда ва яллиғланишнинг бошланғич воситачиси бўлган брадикинин томонидан қўзғатилганида астроцитлардан глутамат чиқиши учун асосий йўл ҳисобланади. Ҳажмга боғлиқ анион каналлари фаоллигининг кўпайиб ёки камайиб кетиши юқоридаги ҳаётий муҳим жараёнларнинг бузилишига сабаб бўлади. Бунга асосланиб, ҳажмга боғлиқ анион каналлари ва мембрана транспортерларининг селектив блокаторларини кашф қилиниши ушбу жараённинг молекуляр асосларини аниқлашда ҳамда янги перспектив фармакологик воситалар ишлаб чиқишда муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Дунёнинг етакчи илмий тадқиқот марказларида глицирризин кислотаси ва унинг ҳосилаларини кенг кўламда биологик ва фармакологик хусусиятлари устида жадал илмий изланишлар олиб борилмоқда. Глицирризин кислотасининг яллиғланишга қарши, вирусларга қарши, ракка қарши, антиоксидант, иммуномодуляцияловчи, жигар ҳимояловчи, юрак-қон томирларини ҳимояловчи ва бошқа дори воситаларининг таъсирини кучайтириш каби хусусиятлари аниқланган. Ҳозирги кундаги тадқиқотларда глицирризин кислотаси ва унинг ҳосилаларини мембранатроп фаоллиги, хужайралар ҳажм бошқарилиш тизимида иштирок этувчи ион каналларига, айниқса анион каналларига таъсир механизмлари кўрсатиб бериш талаб этилади.

Мамлакатимизда бугунги кунда ион каналларининг янги самарали ва кам токсик модуляторларини кашф қилиш ва уларнинг таъсир механизмларини тадқиқ этиш бўйича фундаментал ва инновацион изланишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш»¹ таъкидланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий ўсимликлардан ажратилган биологик фаол бирикмаларнинг хужайра ҳажми бошқарилиши тизимига таъсир механизмларини аниқлаш ва улар асосида фармакологик препаратларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарори ва 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунёнинг йирик илмий тадқиқот марказларида олимлар томонидан ҳажмга боғлиқ анион каналларининг нормал ва патофизиологик ҳолатлардаги ролини тавсифлаш устида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда (Akita et al., 2014; Okada et al. 2019). Глицирринин кислотаси ва уни ҳосилаларининг турли биологик жараёнларга ва мембраналардаги ион каналларига таъсири бўйича ҳам бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, глициррет кислотасининг гемисукцинил ҳосиласи – карбеноксолон астроцит хужайраларида ҳажмга боғлиқ анион каналларини блоклаши ҳақида маълумотлар келтирилган (Benfenati et al. 2009). Буйракдаги сув каналларини глицирринин кислотаси томонидан ингибирланиши қисман буйрак функцияларининг нормаллашувига олиб келган (Kang et al. 2003). Каламушларда юрак қоринчасидаги миоцитларга глицирринин кислотасининг моноаммонийли тузини дозага боғлиқ ҳолда таъсири текширилганда L-типидаги Ca^{2+} -каналлари орқали кальций оқимининг камайишига олиб келган (Zhao et al. 2020). Jurkat T хужайраларидаги K_v 1.3 каналларига α - ва β -глициррет кислоталарининг таъсири текширилганда α -глициррет кислотанинг таъсири йўқлиги аниқланган, β -глициррет кислота эса ушбу каналларни потенциалга ва концентрацияга боғлиқ равишда блоклаган ва мембрана потенциалини деполяризация қилиши аниқланган (Fu et al. 2013).

МДХ давлатларида О.Ю. Селютин (2017) ва бошқа олимлар томонидан эритроцит мембраналари барқарорлигига глицирринин кислотасининг ижобий таъсири аниқлаган. О.Ю. Глущенко, Н.Э. Поляков, Т.В. Лешина (2011) томонидан глицирринин кислотасининг холестерин билан комплекси атеросклерозга қарши фаол таъсир кўрсатиши аниқланган. Бироқ, эришилган ютуқларга қарамадан, глицирринин ва унинг ҳосилаларини хужайра ҳажм бошқарилиши ва ҳажмга боғлиқ анион каналларининг функционал фаоллигига таъсир механизмлари билан боғлиқ бир қатор саволлар ечимсиз қолмоқда.

Республикамизда ион каналларининг биофизик ва фармакологик тадқиқотлари академиклар Б.А. Тошмухамедов ва Р.З. Сабилов, профессорлар У.З. Мирходжаев, П.Б. Усманов, М.И. Асраровлар раҳбарлиги остида амалга оширилган. Мазкур илмий мактаб олимлари томонидан ўсимликлардан ажратиб олинган турли биологик фаол моддаларнинг юрак ва силлиқ мускуллар ҳужайраларида кальций ташилиш механизмига, митохондриядаги мегапоралар ва калий каналлари функциясига, ҳужайра ҳажм бошқарилиш системасига таъсир механизми борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Биофизика ва биокимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФА-А11-Т060 «Истикболли иммуномодулятор ва саратонга қарши препаратлар сифатида ҳужайра ҳажм бошқарилиши ва ҳажмга боғлиқ анион каналларининг янги модуляторларини аниқлаш» (2015-2017), №ФА-Ф5-014 «Ҳажмга боғлиқ анион каналларининг биофизикавий фенотипи ва ҳужайра ҳажм бошқарилиш механизмидаги функцияларини ўрганиш» (2017-2020) №ПЗ-2017-0920-49 «Маҳаллий хомашё асосида ҳужайра ҳажм бошқарилиши ва ҳажмга боғлиқ мембрана транспорти модуляторлари бўлган янги перспектив субстанцияларни тадқиқи» (2018-2020) мавзуларидаги илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади глицирризин ва унинг ҳосилаларининг ҳужайра ҳажм бошқарилиши ва ҳажмга боғлиқ анион каналларининг фаоллигига таъсирини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилишига глицирризин ва унинг ҳосилалари: агликон глициррет кислотаси (ГлК), унинг α - ва β -изомерлари, валериокси-ГлК, бутирокси-ГлК ҳамда гемисукцинил-ГлК (карбеноксолон)ларни дозага боғлиқ таъсирини ўрганиш, моддаларнинг ингибирловчи таъсирини анион транспортига боғлиқлигини аниқлаш;

одам йўғон ичак раки (НСТ116) ҳужайра плазмалеммасидаги ҳажмга боғлиқ анион каналлари фаоллигига глицирризин ва унинг ҳосилаларини таъсирини аниқлаш;

табiiй полифенол госсиполнинг НСТ116 ҳужайралари ва тимоцитлардаги ҳажмга боғлиқ анион каналлари фаоллигига таъсирини аниқлаш;

изоосмотик шароитда одам эритроцит ҳужайраларидан гемоглобин чиқишига глицирризин ва унинг ҳосилаларини таъсирини аниқлаш;

глицирризин кислотаси ва унинг агликонининг сунъий қўшқават липид мембраналарга таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида зотсиз, 6-8 ҳафталик, ёш оқ каламушлардан ажратилган тимоцитлар, одам қизил қон ҳужайралари ва

одам йўғон ичак рак хужайрасининг культураси (НСТ116 линияси), тритерпеноид ва полифенол моддалар олинди.

Тадқиқотнинг предмети глицирризин ва унинг ҳосилаларини, гипоосмотик стресс шароитида каламуш тимоцит хужайралари ҳажм бошқарилишига, НСТ116 хужайра линияси ҳажмга боғлиқ анион каналларига, одам қизил қон хужайраларига ва сунъий мембраналарга таъсири ҳамда табиий полифенол госсиполнинг НСТ116 хужайра линияси ва тимоцит хужайраларининг ҳажмга боғлиқ анион каналлари фаоллигига таъсирини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибаларда замонавий биофизикавий, биокимёвий ва электрофизиологик усуллардан фойдаланилди. Каламуш тимоцитлари ва қизил қон хужайралари стандарт методлар ёрдамида ажратилди, тимоцитлар хужайра ҳажми суспензиянинг ёруғлик ўтказувчанлигини регистрацияси усули бўйича аниқланди. Ҳажмга боғлиқ анион каналларининг биофизикавий параметрлари ион тоқларининг микролокал ўлчаш (пэтч-кламп) методи ёрдамида регистрация қилинди. Гемолиз миқдори қизил қон хужайраларидан гемоглобиннинг чиқиши бўйича ўлчанди. Сунъий кўшқават липид мембраналардан ўтувчи токни потенциаллар фиксацияси методи ёрдамида қайд қилинди, натижаларни математик ва статистик таҳлил қилиш учун Origin 5 ва 8.6 (OriginLab, Northampton, MA, США) компьютер дастурларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

глицирризин ва унинг ҳосилаларини гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилишига таъсири ва улар ичидан кучли ингибирловчи таъсирга эга моддалар аниқланган;

ноэлектрик ва тўғридан-тўғри электрофизиологик пэтч-кламп методи ёрдамида глицирризин ва унинг ҳосилаларини ҳамда госсипол моддасининг хужайра ҳажм бошқарилишига таъсир механизми айнан ҳажмга боғлиқ анион канали блокадаси туфайли амалга оширилиши исботланган;

изоосмотик шароитда одам эритроцит хужайраларидан гемоглобин чиқишига глицирризин ва унинг ҳосилаларини таъсири ва β -глициррет кислотасининг мўътадил гемолитикка эга эканлиги аниқланган, β -глициррет кислотаси таъсирида кечувчи гемолиз, мембранада поралар ҳосил қилиши туфайли коллоид-осмотик механизм орқали амалга ошириши исботланган;

глициррет кислотасининг ион каналлари ҳосил қилиши ҳамда сунъий мембраналарнинг электр ўтказувчанлигини ошириши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

глицирризин ва унинг ҳосилалари орасидан тимоцитлар ҳажм бошқарилиш системасини ингибирловчи янги истиқболли моддалар аниқланган;

β -глициррет кислотаси ва унинг ҳосилалари саратон касаллигида кескин фаоллашувчи ҳажмга боғлиқ анион каналларини кучли ингибитори эканлиги исботланган;

глицирризин ва унинг ҳосилаларини изоосмотик шароитда кам цитотоксиклиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда замонавий биофизик-биокимёвий, электрофизиологик тадқиқот усулларини қўллаш орқали олинганлиги, натижалар таҳлили замонавий компьютер дастури ёрдамида таҳлил қилинганлиги билан тасдиқланади, олинган натижаларнинг исботи уларнинг республика ва халқаро анжуманлардаги муҳокамаси, натижалар рецензияланган илмий нашрларда чоп этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти глицирризин ва унинг ҳосилаларини тимоцитлар ҳажм бошқарилиш системасига ингибирловчи таъсир қилиши ва уларнинг таъсир механизмлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ион каналларига боғлиқ ҳамда иммун тизими хужайралари патологияси натижасида келиб чиқувчи касалликларни олдини олиш ва даволашда, глицирризин ва унинг ҳосилаларини фаол иммуномодулятор туркумига мансуб янги авлод истиқболли дори воситалари сифатида қўллаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Глицирризин ва унинг ҳосилаларининг хужайра ҳажм бошқарилиши ва анион транспортига таъсири бўйича олинган илмий натижалар асосида:

глицирризин ва унинг ҳосилаларининг хужайра ҳажм бошқарилиши ва анион транспортига таъсири бўйича олинган илмий натижалардан А-11-10 рақамли «Митохондриал касалликларга қарши дори препарати яратиш ва ишлаб чиқариш» мавзусидаги амалий лойиҳада глицирризин кислотаси супрамолекуляр бирикмаларининг каламуш жигари митохондрияларида антиоксидант таъсирини тавсифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 октябрдаги 89-03-4300-сон маълумотномаси). Натижада митохондриал касалликларни даволаш учун асос бўладиган янги биологик фаол моддаларни аниқлаш имконини берган.

ширинмия (*Glycyrrhiza glabra*) ўсимлигидан ажратиб олинган глицирризин ва унинг ҳосилаларини хужайра ҳажм бошқарилиши ва анион транспортига ингибирловчи таъсири бўйича олинган илмий натижалардан ФПФИ Т.2-18 рақамли «2-алкил(арил)-5-амино 1,3,4-тиадиазол қолдиғини тутган айрим табиий тритерпен кислоталари ҳосилаларининг биологик фаоллиги» мавзусидаги лойиҳада айрим табиий тритерпен кислоталари ҳосилаларининг биологик таъсирини ойдинлаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 8 июлдаги 4/1255-1422-сон маълумотномаси). Натижада айрим табиий тритерпен кислоталари ҳосилаларининг мембранафаол хусусиятларини тавсифлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 7 та республика илмий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 5 та мақола, шундан 4 та республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, якуний қисм, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми (мундарижа, қисқартма сўзлар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан) 117 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ҳамда предметлари тавсифланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Глицирризин кислотаси ва уни ҳосилаларининг умумий тавсифи**» деб номланган биринчи бобида ширинмия ўсимлигининг умумий хусусиятлари ва унинг биологик фаол компонентлари: тузилиши, таснифи ва физик-кимёвий хусусиятлари таҳлил қилинган, глицирризин кислотаси ва унинг ҳосилаларини биологик фаолликлари, табиий полифенол госсипол моддасининг биологик фаол хусусиятлари, ҳужайра ҳажм бошқарилиши механизми, физиологик ва патофизиологик жараёнларда ҳужайра ҳажм бошқарилиши, ҳужайра ҳажм бошқарилиш системаси фармакологияси ва ҳажмга боғлиқ анион каналлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳужайра ҳажм бошқарилиши ва ҳажмга боғлиқ анион каналлари фаоллигини аниқлаш материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда фойдаланилган моддалар ва эритмалар тавсифи, хусусияти, тимоцит ҳужайраларини ёш оқ каламушлардан ажратиш ва тадқиқот олиб борилган эритроцит ҳужайраларини кўнгилли соғлом одам қонидан олиб суспензия тайёрлашнинг стандарт методлари, тадқиқотда фойдаланилган ҳужайра ҳажмини суспензиянинг ёруғлик ўтказувчанлигини регистрация қилиш усули, ион тоқларининг микролокал ўлчаш (пэтч-кламп), гемолиз, сунъий кўшқават липид мембраналар (БЛМ) каби оптик ва электрофизиологик усуллар батафсил ёритилган, шунингдек олинган натижаларни математик қайта ишлаш усуллари ва статистик таҳлили келтирилган.

Диссертациянинг «**Тимоцит ҳужайралари ҳажм бошқарилиши ҳамда НСТ116 ҳужайра линиясининг ҳажмга боғлиқ анион каналларига**


глицирризин ва унинг ҳосилаларини таъсири» деб номланган учинчи бобида гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилиши системасига глициррин кислотаси (ГК) ва унинг ҳосилаларини дозага боғлиқ таъсири, тимоцитлар ҳажм бошқарилишига ингибирловчи таъсирининг анион транспортига боғлиқлиги, НСТ116 хужайра линиясининг ҳажмга боғлиқ анион канали (ХБАК) фаоллигига таъсири бўйича натижалар келтирилган.

Шу билан бирга табиий полифенол госсиполнинг НСТ116 хужайра линияси ва тимоцит хужайраларидаги ХБАК фаоллигига таъсири бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Дастлабки олиб борилган тадқиқотларда изотоник муҳитда (нормал Рингер эритмаси) тимоцитлар ҳажми 15 минут давомида ўзгармасдан сақланади (1-расм). Тимоцитлар гипотоник муҳитга тушганда дастлаб тезда шишиб (пассив жавоб), кейин изотоник ҳажмга яқин даражагача ҳажмини тиклайди (актив жавоб) (1-расм). Ушбу жараён бошқарилувчи ҳажм камайиши (*RVD – Regulatory Volume Decrease*) дейилади. Назоратда гипоосмотик стресс шароитида 15 минут давомида инкубация қилинган тимоцитларда хужайра ҳажм камайиши 68% дан 84% гача бўлиб, ўртача $78,9 \pm 3,3\%$ га ($n=15$) тенг бўлди (1-расм).

Глицирризин кислотаси ва унинг ҳосилаларини тимоцитлар хужайра ҳажм бошқарилишига дозага боғлиқ таъсири текширилганда куйидаги натижалар олинди. Глицирризин кислотаси ушбу тизимга кучсиз игибиторлик хусусиятни номоён қилди (1-А ва Д расмлар). α -глициррет кислотасининг таъсири йўқлиги аниқланди (1-Б ва Д расмлар). β -глициррет кислотаси эса *RVD* жараёнини тўлиқ блоклади (1-В ва Д расмлар). Глициррет кислотасининг гемисукцинил ҳосиласи карбеноксолон ҳам *RVD* ни дозага боғлиқ ҳолда кучли ингибирлади (1-Г ва Д расмлар).

Айтиш жоизки, юқоридаги тажрибаларда биз Sigma компаниясидан харид қилинган моддалардан фойдаландик. Кейинги тажрибаларда ЎзР ФА Биоорганик кимё институти “Қуйи молекуляр биологик фаол бирикмалар” лабораторияси ходимлари томонидан ширинмия ўсимлигидан ажратиб олинган табиий глициррет кислотаси (ГлК) ҳамда унинг валериокси- ва бутирокси-ҳосилаларидан фойдаландик. Бунда барча моддалар тимоцитлар ҳажм бошқарилиш системасига дозага боғлиқ ҳолда кучли ингибирлаши аниқланди.



1-расм. Гипоосмотик стресс шароитда тимоцитлар ҳажм бошқарилиш системасига ГК ва унинг ҳосилаларини дозага боғлиқ таъсири. (А) глицирризин кислота; (Б) α -глициррет кислота; (В) β -глициррет кислота; (Г) карбеноксолол; (Д) моддаларнинг дозага-боғлиқ таъсири натижасининг Хилл тенгламасида аппроксимацияси; ярим-максимал эффе́кт келтирувчи концентрациялар ва Хилл коэффициентлари 1-жадвалда келтирилган.


Олинган натижаларни Хилл тенгламасида аппроксимация қилиниб, ярим-максимал эффе́ктлар аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳужайра ҳажм бошқарилиш системасига глицирризин кислотаси ва унинг ҳосилаларини дозага боғлиқ таъсирининг ярим-максимал эффе́кт келтирувчи концентрациялар (C_{50}) ва Хилл коэффициентлари (h)

№	Тритерпеноидлар	C_{50} (мкМ)	h
1	Глицирризин кислота	104,8±4,8	10,5±8,1
2	α -глициррет кислота	-	-
3	β -глициррет кислота	26,6±1,2	3,1±0,4
4	Табиий глициррет кислота	9,1±0,3	1,9±0,1
5	Карбеноксолол	23,5±1,5	1,1±0,1
6	Валериоксиглициррет кислота	8,9±1,8	0,7±0,1
7	Бутироксиглициррет кислота	29,7±4,5	1,1±0,1

Адабиётларда тимоцит хужайраларининг ҳажм бошқарилиши механизмида K^+/Cl^- котранспортининг ҳамда Ca^{2+} , K^+ ва Cl^- каналларининг роли кўрсатилган. Глицирризин ва унинг ҳосилаларини ингибирлаш эффекти ушбу таркибий қисмлардан бирининг функциясига таъсири орқали амалга ошиши мумкин. Тажрибаларимизда гипотоник эритма таркибидаги барча бир валентли катионлар йирик органик катион – Н-метил-Д-глюкамин ($HM\Delta G^+$) га алмаштирилди ва тимоцитлар мембранасининг катион ўтказувчанлиги грамицидин Д (ГрД) ёрдамида оширилди. Тимоцитлар ГрД ва $HM\Delta G$ ли гипотоник Рингер эритмасига (кейинги ўринларда $HM\Delta G$ -ГрД деб аталади) жойлаштирилганда, дастлаб шишиб, натрийли гипотоник Рингерга нисбатан ўз ҳажмларини янада самаралироқ тиклади ва *RVD* параметри $108,7 \pm 6,6\%$ ($n=5$) ни ташкил этди (2-расм). $HM\Delta G$ -ГрДли шароитда хужайра плазматик мембранасидаги ҳажм бошқарилиши асосан анион транспорти фаоллигига боғлиқ бўлади (Rustamova et al. 2019). Ушбу экспериментал шароитда тимоцитлар ҳажм бошқарилиш системасини глицирризин кислотаси кучсиз ингибирлади (2-А ва Г расмлар). β -глициррет кислотаси ва карбеноксолон ушбу тизимни кучли блоклади (2-Б, В ва Г расмлар).




2-расм. $HM\Delta G$ -ГрДли гипоосмотик стресс шароитда тимоцитлар ҳажм бошқарилиш системасининг анион транспортига ГК ва унинг ҳосилаларини дозага боғлиқ таъсири. (А) глицирризин кислота; (Б) β -глициррет кислота; (В) карбеноксолон; (Г) моддаларнинг дозага-боғлиқ таъсири натижасининг Хилл тенгламасида аппроксимацияси, ярим-максимал эффект келтирувчи концентрациялар ва Хилл коэффициентлари матнда келтирилган.

Олинган натижаларни Хилл тенгласида аппроксимация қилинганда, ярим-максимал эффектлар: глицирризин кислотаси учун $C_{50}=62,7\pm 6,5$ мкМ ва $h=3,0\pm 0,7$ га, β -глициррет кислотаси учун $C_{50}=23,4\pm 3,6$ мкМ ва $h=1,6\pm 0,3$ га ҳамда карбеноксолон учун $C_{50}=40,2\pm 4,5$ мкМ ва $h=1,1\pm 0,1$ га тенг эканлиги аниқланди (2-Г расм).

Табиий глициррет кислотаси ($C_{50}=14,5\pm 2,8$ мкМ; $h=1,6\pm 0,4$) ва унинг баъзи ацил ҳосилалари валериокси- ($C_{50}=30,1\pm 2,0$ мкМ; $h=1,1\pm 0,1$) ҳамда бутироксиглициррет кислоталари ($C_{50}=31,4\pm 5,9$ мкМ; $h=0,9\pm 0,2$) НМДГ-Грдли шароитда ҳам тимоцитлар ҳажм бошқарилиш системасини блоклади.

Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичида тажрибалар олиб бориш учун, яқинда ХБАК канали оксилларининг молекуляр идентификациялаш учун ишлатилган инсон йўғон ичак раки НСТ116 хужайра линиясидан ХБАК канали фаоллигини тўғридан-тўғри электрофизиологик баҳолашда фойдаландик. Рингер эритмаси 100 мкМ (гипоосмотик муҳитда тимоцит хужайралари ҳажм бошқарилиш системасига таъсир этувчи ярим максимал миқдор 1-жадвалга қаранг) концентрацияли ГК билан алмаштирилганда плазмалемма орқали ўтаётган ток босқичма-босқич камайиб борганлигини кўриш мумкин (3-А расм).



3-расм. Гипоосмотик стресс шароитида ГКнинг НСТ116 хужайралари ҳажмга боғлиқ хлор токига таъсири. А) 0 мВ дан ± 40 мВ гача тест импульслари берилганда whole-cell конфигурациясида макроскопик токнинг ўзгариши кўрсатилган; Б) 0 мВ дан ± 100 мВ гача ҳар 20 мВ оралиқдаги тест импульслари (А планда учбурчак билан ифодаланган). В) вольт-ампер характеристикаси; Г) ГКнинг дозага боғлиқ таъсири натижасининг Хилл тенгласида аппроксимацияси, ярим-максимал концентрация ва Хилл коэффиценти матнда келтирилган.

Токнинг блокраниши потенциалга боғлиқ бўлиб, кирувчи ва чиқувчи ток бир хил даражада ингибирланмади. Ион оқими кўпроқ мусбат потенциалда камайди (3-В расм). Бундан кўринадики, ГКнинг анион каналларига таъсири тўғридан-тўғри пэтч-кламп методи ёрдамида яққол намоён бўлди. 3-Г расмда ГКнинг ХБАК каналларига дозага боғлиқ (0-200 мкМ оралиғида) таъсири келтирилган. Шунини таъкидлаш керакки, ГКнинг ХБАК фаоллигига таъсири ҳам кучли бўлмади, бу эса модданинг ушбу тизимда кучсиз ингибитор эканлигини англатади. Олинган натижалар Хилл тенгламасида аппроксимация қилинганда ярим максимал эффекти $61,9 \pm 8,8$ мкМ ва Хилл коэффициенти $2,2 \pm 0,7$ ($n=5$) га тенг бўлди (3-расм). Айтиш жоизки, пэтч-кламп усулида кузатилган ярим-максимал эффект НМДГ-Грдли шароитда кузатилган ярим-максимал концентрацияга деярли тенг бўлди, ва бу натижа иккала экспериментал шароитда ҳам айнан ХБАК фаолияти қайд этилганидан далолат беради.


Худди шу шароитда α -глициррет кислотаси билан олиб борилган тажрибаларда модданинг ХБАК фаоллигига таъсири йўқлиги аниқланди. Лекин β -глициррет кислотаси ва карбеноксолон ХБАКни кучли блоклади. Олинган натижалар асосида глицирризин кислотаси ХБАК фаоллигига кучсиз таъсир этиши, α -глициррет кислотасининг бу тизимга таъсир этмаслиги, β -глициррет кислотаси ва карбеноксолоннинг ҳажм бошқарилиш тизимига нисбатан ингибирловчи хусусияти айнан ХБАКни блоклаш орқали амалга ошаётганлиги исботланди.

Госсипол моддаси табиий полифенол бўлиб, структура жиҳатидан икки ароматик кўш-ҳалқа кўприкча билан боғланган ва бу жиҳатдан ХБАКнинг адабиётдан маълум блокаторларидаги структура элементларини такрорлайди (Okada et al. 2019). Госсипол одам йўғон ичак раки НСТ116 хужайра линиясига таъсир эттирилганда, апоптозни келтириб чиқариши аниқланган (Zhang et al. 2007). Демак, шуларга асосланган ҳолда, биз госсипол ҳам глицирризин кислотаси ҳосилалари каби ХБАК канали фаоллигига таъсир кўрсатишини тахмин қилдик. Тадқиқотларимизнинг кейинги қисмида пэтч-кламп усулининг whole-cell конфигурациясидан фойдаланиб, табиий полифенол госсиполнинг НСТ116 хужайра линияси ХБАК фаоллигига таъсирини тадқиқ қилганимизда, плазмалемма орқали ўтаётган токни сезиларли даражада дозага боғлиқ равишда ингибирлади. Олинган натижалар Хилл тенгламасида аппроксимация қилинганда ярим максимал эффектлари мос равишда +40 мВ ҳамда -40 мВ да $4,8 \pm 0,7$ мкМ ва $5,8 \pm 0,6$ мкМ, Хилл коэффициентлари 3,2 ва 2,9 га тенг бўлди.

Худди шу шароитда каламуш тимоцитларининг ҳажмга боғлиқ анион каналлари фаоллигига госсиполнинг таъсири ўрганилди. Гипоосмотик стресс шароитида госсиполнинг тимоцит хужайралари ҳажмга боғлиқ хлор токига таъсири қуйидаги 4-расмда келтирилган.

Олинган натижаларда тимоцит хужайраларидаги таъсир НСТ116 хужайра линиясига нисбатан кучлироқ бўлди, аммо ҳажмга боғлиқ анион каналлари тўлиқ блокланмади (4-расм).

Госсипол билан олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, модда миқдори 10 мкМгача етганда ХБАКни маълум даражада ингибирлайди аммо, юқори концентрацияларда хужайра мембраналари барқарорлигига ҳам таъсир кўрсатди.




4-расм. Гипоосмотик стресс шароитида госсиполнинг тимоцит хужайралари хажмга боғлиқ хлор токига таъсири. А) 0 мВ дан ± 25 мВ гача тест импульслари берилганда whole-cell конфигурациясида макроскопик токнинг ўзгариши кўрсатилган. Б) ХБАК нинг госсипол таъсиридаги ўртача қолдиқ ток оқими кўрсатилган.

Диссертациянинг «Глицирризин ва унинг ҳосилаларини эритроцит мембраналаридаги жараёнларга ҳамда сунъий мембраналарга таъсири» деб номланган тўртинчи бобида глицирризин кислотаси ва унинг ҳосилаларини гемолиз жараёнига таъсири, кечаётган гемолиз жараёнини механизмини аниқлашга доир ҳамда сунъий қўшқават липид мембраналарга табиий ГК ва унинг агликонини таъсири бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Глицирризин кислотаси ва унинг ҳосилаларини мембранатроп фаоллигини аниқлаш мақсадида моддаларнинг 1 мкМ дан 500 мкМ гача концентрацияда *in vitro* усулида изоосмотик шароитда одам қизил қон хужайраларидан гемоглобин чиқишига таъсири таҳлил қилинди. Бунда фақат β -глициррет кислотаси мўътадил гемолитик хусусиятни номоён этди (5-А расм).

Тадқиқотларимиз кейинги босқичи β -ГЛК таъсирида кечаётган гемолиз жараёнининг механизмини аниқлашга бағишланди. Бунда 100% гемолиз берувчи концентрацияда олинган β -ГЛК (400 мкМ) таъсиридаги гемолиз жараёнининг коллоид-осмотик механизмини кўрсатиш учун молекуляр оғирлиги 1500 Да дан 6000 Да гача бўлган полиэтилэнгликол (ПЭГ) ларнинг куйидаги концентрацияси ишлатилди ПЭГ 1500 (25 мМ); ПЭГ 2000 (25 мМ); ПЭГ 3000 (20 мМ); ПЭГ 4000 (15 мМ); ПЭГ 6000 (12 мМ). β -глициррет кислотаси таъсирида кечувчи гемолиз жараёни эритроцит мембарансида радиуси 2,3 нм бўлган поралар ҳосил этилиб, коллоид-осмотик механизм асосида содир бўлиши аниқланди (5-Б расм).




5-расм. Глицирризин кислотаси ва унинг ҳосилаларини эритроцит хужайраларининг стационар лизисига таъсири (А). Гемолиз жараёнининг ПЭГларнинг гидродинамик радиусига боғлиқлиги (Б). Ордината ўқида – гемолиз даражаси % ҳисобида кўрсатилган, абсцисса ўқида – ГЛК, α-, ва β-ГЛК ларнинг миқдори мкМларда (А) ва гидродинамик радиуси нмда (Б) ифодаланган. n – тажрибалар сони.

Табиий глициррет кислотаси (ГЛК) ва унинг баъзи сукцинил ва ацил ҳосилаларини гемолиз жараёнига таъсирини текширганимизда фақат табиий ГЛК гемолитик эканлиги аниқланди. Сукцинил ва ацил қолдиқларининг кўшилиши ГЛКнинг гемолитик фаоллиги йўқолишига сабаб бўлди.

Эритроцитларнинг осмотик стрессга чидамлилигига β-глициррет кислотасининг таъсирини аниқлашга доир олиб борилган тажрибаларда хужайра ташқарисидаги осмотик босим пасайиши билан хужайраларда гемолиз даражаси аста секин ортиб бориши кузатилди. Инкубацион муҳитга сублитик миқдорда (50 мкМ) β-глициррет кислотаси қўшилганда, эритроцитларнинг осмотик резистентликга нисбатан чидамлилиги сезиларли даражада камайганлиги кузатилди. Бунда β-глициррет кислотаси эритроцитларнинг осмотик чидамлилигини пасайтириши, модданинг эритроцит мембраналарида ҳажмга боғлиқ анион каналлари фаоллигини ингибирловчи таъсири билан тушунтириш мумкин.

Кейинги тажрибаларимизда β-глициррет кислотасининг қон хужайраларининг полиен антибиотици нистатин моддаси таъсиридаги коллоид-осмотик лизисга чидамлилигига таъсири ўрганилди. Нистатиннинг турли концентрацияларда гемолиз даражасини аниқлаб, доза-жавоб эгри чизиғини чиздик ва Хилл тенгламасида аппроксимация қилиб, 50% ли гемолизга олиб келувчи полиеннинг самарали концентрациясини аниқладик. Инкубацион муҳитга сублитик миқдорда (50 мкМ) β-глициррет кислотаси қўшилгандан кейин ҳам олинган натижалар Хилл тенгламаси асосида аппроксимация қилинди, лекин уларнинг самарали концентрацияси (C_{50}) назоратдан фарқ қилди (6-А ва Б расм).




6-расм. Одам эритроцитларида 50% гемолизга олиб келувчи нистатин концентрациясига (C_{50}) муҳитдаги β-глициррет кислотасининг таъсири. Статистик аҳамиятли фарқ (*) белгиси билан кўрсатилган. Барча ҳолатларда назоратга нисбатан $P < 0,05$. n – тажрибалар сони.

Олинган натижалардан кўришиб турибдики, эритроцитларнинг нистатинли коллоид-осмотик лизисга нисбатан чидамлилиги β-глициррет кислотаси таъсирида пасайган, чунки 50% ли гемолизга олиб келиш учун нистатиннинг нисбатан камроқ миқдори сарфланган. Бундай таъсир эритроцитларда модданинг ҳужайра ҳажм бошқариш системаси ва ҲБАКни блоклаши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Эритроцит ва тимоцит ҳужайраларига табиий ГК ва унинг агликони ГЛК таъсири текширилганда юқори концентрацияларда мембраналарда пора ҳосил қилиши мумкинлиги тахмин қилинди. Моддаларнинг пора ҳосил қилиш хусусиятини батафсил ўрганиш мақсадида табиий ГК ва унинг агликони ГЛКларни сунъий қўшқават липид мембраналар (БЛМ)га таъсирини ўргандик.

Азолектинни ва баъзи тажрибаларда азоектин-холестерин аралашмасини октанда эритиб липид тайёрланди. Назорат сифатида ҳосил қилинган мембрана сиғими 150 пФ га тенг бўлди. Муҳитга табиий глицирризин кислотасининг 100 мкМ гача бўлган миқдори цис ва цис/транс ҳолатларда таъсир эттирилганда олинган натижалар назоратдан фарқ қилмади.

Глициррет кислотаси 1, 10 мкМ цис, цис/транс ва 100 мкМ цис ҳолатда глицирризин кислотаси сингари БЛМ электр ўтказувчанлигига таъсир этмади. 100 мкМ цис/транс ҳолатда БЛМ электр ўтказувчанлигини оширди. БЛМ дан ўтувчи ток силлиқ эмас балки флукуацион кўринишда бўлганлиги мембранада ион каналлари ҳосил бўлганлигидан далолат беради (7-расм).



7-расм. Глициррет кислотасининг БЛМга таъсири. Абсцисса ўқида ўтувчи ток пА ифодаланган. Ордината ўқида вақт (сек) келтирилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Илк бор гипоосмотик стресс шароитида тимоцитлар ҳажм бошқарилишига глицирризин кислотаси (ГК) кучсиз, лекин унинг β -агликони кучли ингибирловчи таъсирга эгаллиги аниқланди. Мазкур хусусият глициррет кислотаси (ГлК) ҳосилаларида кучайди ва самаралилиги жиҳатидан моддалар қуйидаги қаторни ташкил этди: валериокси-ГлК > табиий агликон > карбеноксолон > β -ГлК > бутирокси-ГлК >> α -ГлК.

2. Тимоцитлар ҳажм бошқарилиши фақат анион транспорти фаоллигига боғлиқ «НМДГ-ГрД» экспериментал шароитида моддаларнинг таъсири β -ГлК, табиий агликон ва карбеноксолон бу жараёни тўлиқ, ГК, бутирокси- ва валериокси-ГлКлар эса қисман блоклаши билан изохланади.

3. Биринчи бор пэтч-кламп усулида одам йўғон ичак раки (НСТ116) хужайраларидаги ҳажмга боғлиқ анион канали (ХБАК) фаоллигини ГК қисман ва кучсиз, β -ГлК ($C_{50}=18,4\pm 0,5$ мкМ) ва карбеноксолон ($C_{50}=28,6\pm 2,5$ мкМ) эса кучли ва тўлиқ блоклаши аниқланди; α -ГлК ХБАКга таъсир кўрсатмади.

4. Илк бор пэтч-кламп усулида табиий полифенол госсиполнинг НСТ116 хужайраларидаги ХБАК фаоллигини потенциалга боғлиқ бўлмаган равишда самарали (+40 мВда $C_{50}=4,8\pm 0,7$ мкМ ва -40 мВда $5,8\pm 0,6$ мкМ) блоклаши аниқланди. Мазкур эффект тимоцит хужайраларида ҳам кузатилди.

5. ГК ва унинг ўрганилган ҳосилаларидан фақат β -ГлК изоосмотик шароитда одам эритроцитларига нисбатан мўътадил ($C_{50}=192,2\pm 4,7$ мкМ) гемолитик фаолликка эга бўлиб, мембранада 2,3 нм радиусли поралар ҳосил қилиши ва ҳужайраларни коллоид-осмотик механизм билан парчалаши аниқланди. Сублитик дозада β -ГлК эритроцитларнинг осмотик ва коллоид-осмотик стрессга нисбатан чидамлилигини пасайтиради.

6. ГК сунъий қўшқават липид мембраналарга таъсир этмайди, унинг агликони (ГлК) эса каналлар ҳосил қилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.B.01.13 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ БИОФИЗИКИ И
БИОХИМИИ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

ИНСТИТУТ БИОФИЗИКИ И БИОХИМИИ

ФАЙЗИЕВ ДИЁР ДАВРОНОВИЧ

**ИССЛЕДОВАНИЕ ВЛИЯНИЯ ГЛИЦИРРИЗИНА И ЕГО
ПРОИЗВОДНЫХ НА РЕГУЛЯЦИЮ КЛЕТОЧНОГО ОБЪЁМА И
АНИОННЫЙ ТРАНСПОРТ**

03.00.02 – Биофизика и радиобиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.2.PhD/B297.

Диссертационная работа выполнена в Институте биофизики и биохимии при Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ibb-nuu.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Курбанназарова Раънохон Шараповна
доктор биологических наук

Официальные оппоненты: Хушматов Шунқор Садуллаевич
доктор биологических наук

Камбурова Венера Сейтумеровна
кандидат биологических наук


Ведущая организация: Каршинский государственный университет


Защита диссертации состоится « 03 » 02 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного Совета DSc.03/30.12.2019.B.01.13 по присуждению ученых степеней при Институте биофизики и биохимии Национального университета Узбекистана. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, 174. Тел. 246-68-96.


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Биофизики и биохимии Национального университета Узбекистана (зарегистрированной за № 23). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, 174. Тел: (99871) 246-68-96. e-mail: ibb-nuu@mail.ru; asrarov54@mail.ru

Автореферат диссертации разослан: « 15 » 01 2021 года.
(реестр протокола рассылки № « 1 » от 15.01 2021 года).




Сабиоров Равшан Заирович
Заместитель председателя Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик


Позилев Маъмуржон Комилжонович
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.б.н.


Ахмеджанов Искандар Гулямович
Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотации диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Проводимые в настоящее время по всему миру многочисленные исследования показывают, что объем-зависимые анионные каналы принимают участие в ряде физиологических процессов (регуляции объема клеток, пролиферация, миграция, инвазия, апоптоз), а также в патофизиологических процессах (канцерогенезе и устойчивости раковых клеток к цисплатину, смерти кардиомиоцитов и нейронов гиппокампа в результате ишемии/реперфузии, глиальном некрозе при лактоцидозе, эксайтотоксической гибели нейронов). Кроме того, объем-зависимые анионные каналы являются основным путем выхода глутамата из астроцитов в условиях ишемии и при стимуляции брадикинином – основным медиатором воспаления. Повышение или снижение активности объем-зависимых анионных каналов приводит к нарушению перечисленных выше жизненно важных процессов. Исходя из этого можно заключить, что поиск селективных блокаторов объемно-зависимых анионных каналов и мембранных транспортеров имеет большое научное и практическое значение для изучения молекулярной основы этих процессов и разработки новых перспективных фармакологических средств.

В ведущих научных центрах мира проводятся интенсивные научные исследования широкого спектра биологических и фармакологических свойств глицирризиновой кислоты и ее производных. Установлено, что глицирризиновая кислота обладает противовоспалительными, противовирусными, противораковыми, антиоксидантными, иммуномодулирующими, защитными для печени и сердечно-сосудистой системы свойствами. В исследованиях настоящего времени требуется установить мембранотропную активность глицирризиновой кислоты и ее производных и определить механизмы их влияния на ионные каналы, участвующие в системе регуляции объема клетки, особенно анионные каналы.

В нашей стране в настоящее время также проводятся фундаментальные и инновационные исследования по поиску новых эффективных и малотоксических модуляторов ионных каналов, а также механизмов их действия. В «Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» подчеркивается «...стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику»². Исходя из этих задач, большое научное и практическое значение приобретает определение механизма действия природных биологически активных соединений, выделенных из местных растений, на систему регуляции клеточного объема и создание на их основе новых фармакологических препаратов.

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». № УП-4947.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 14 февраля 2018 г № ПП-3532 «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли» и Постановлении Президента Республики Узбекистан от 6 мая 2019 г № ПП-4310 «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

